

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 25 июль • № 29 (998)

Муносабат

СТОМАТОЛОГИЯ: ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

2014 йилнинг 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилинганлиги, бу албатта, инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида берган имкониятлари, яратилган шарт-шароитлар, хусусан, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини бериш билан бирга, тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар қўлга киритилмоқда. Демак, бу янгиланишларда кенг қатламли аҳолининг бирдек иштироки, фаоллиги ва масъулияти юқорилигини кўриш мумкин. Эътирофлиси шундаки, Ўзбекистон тиббиёти бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб келмоқда.

Шу ўринда айтишимиз жоизки, тиббиётнинг барча йўналишларида эришилаётган муваффақиятлар қаторида стоматология йўналишида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, самарали натижалар ўз ифодасини топмоқда. Ҳар йили мамлакатимиз миқёсида ўтказиб келинаётган стоматологларнинг халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуман, съезд ва симпозиумлардаги маҳаллий соҳа вакиллариининг иштироки, илмий изланишлари, шунингдек, чет тиллардаги маърузалари хорижий мутахассислар эътиборини ўзига тортаётганлиги тиббиёт фанимизнинг янада равнақ топиб бораётганлигидан далолатдир.

Лекин бугунги кунда стома-

тология йўналишида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Стоматология соҳасида ягона марказлашган, стоматологиянинг барча йўналишлари бўйича замон талабига жавоб бера оладиган етук мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ўқув, илмий-амалий, даволаш таълим маркази мавжуд эмаслиги, шаҳар ва вилоятларда марказлашган болалар стоматологияси бўйича профилактика ишларини янада ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш, республикада юз-жағ жарроҳлиги соҳасини янги поғонага чиқариш масалалари шулар жумласидандир.

Маълумки, 2014 йилнинг 11 мартида Тошкент тиббиёт академиясида "Стоматология ва терапия ўқув-илмий маркази"нинг очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарорига асосан Инвестиция дастури бўйича капитал таъмирланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдами билан Тошкент тиббиёт академияси негизида ташкил этилган ушбу марказ таркибидан фантом зали, стоматолог иш ўрни модели, маънавият ва маъ-

рифат хонаси, илмий-тадқиқот лабораторияси, ёшлар инновацион маркази, стоматология факультети деканати, стоматологияда янги технологиялар, психолог кўмаги хонаси, хорижий тилларни ўрганиш хонаси, конференциялар, кўргазмалар, маърузалар заллари мавжуд бўлиб, айни кунда иш олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, куни кеча Президентимизнинг "Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорининг эълон қилиниши стоматология соҳасига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Ушбу қарор стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ҳамда таълим технологияларини жорий этиш, бўлажак стоматолог-мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан узвий боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлиги, бу албатта соҳа мутахассислари меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятига қаратилганлиги билан қувонарлидир.

Қарорнинг биринчи бандида Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида Тошкент Давлат стома-

тология институти ташкил этиш, шунингдек, Андижон, Бухоро ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтларининг стоматология факультетлари, Тошкент педиатрия институти Нукус филиалининг стоматология факультети негизида Тошкент Давлат стоматология институтининг республика минтақаларидаги филиалларини ташкил этиш стоматология соҳасининг истиқболдаги йўналишлари мақсадли эканлигини кўрсатиб турибди.

Қарорнинг иккинчи бандида Тошкент Давлат стоматология институтининг мақсад ва вазифалари, унинг асосий фаолиятлари, кутилаётган натижалар аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра улар, замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш, стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошқа йўналишларда, жумладан, биотехнологиялар, хужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илғор ютуқлардан

фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш, институт клиникалари ва унинг филиалларида аҳолига стоматология соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдами кўрсатган ҳолда стоматолог касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илғор усуллари татбиқ этиш, республиканинг олий тиббиёт таълими тизимида стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ахборот ва мультимедия ускуналарида фойдаланган ҳолда илғор хорижий тажрибани жорий этиш, стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассислари ва ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этишдан иборатлиги ҳам бир сўз билан айтганда, халқимиз саломатлигини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифанинг ётганлиги мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти нечоғлиқ зарурат эканлигини кўрсатиб турибди.

Мазкур қарорнинг эълон қилиниши, мамлакатимиз тиббиёт соҳасида, хусусан стоматология йўналишида ҳар томонлама етук, юқори малакали стоматолог кадрлар тайёрлашда кенг имкониятлар эшигини очиб беради, шунингдек, бу йўналишда биз стоматологлар, профессор-ўқитувчилар ва барча тиббиёт ходимларига катта масъулият юклайди. Ушбу ҳужжат замирида мамлакатимиз тараққиётини белгилайдиган, унинг гуллаб яшнашини таъминлайдиган билим-ли, ақлли, ўзининг интеллектуал салоҳиятини намоён этишга қодир авлодни вояга етказиш мақсади мужассам.

Нигмон ХАБИЛОВ,
Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети декани, профессор.

Истиқлол шарофати

ТИББИЁТ ИХТИСОСЛАШУВИ ТИЗИМДА ЮҚОРИ САМАРА БЕРДИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси бир ҳудудида бўлмайдик, халқимизнинг шоду хуррамлик ва кўтаринки кайфияти билан яшаётганлигига гувоҳ бўламиз. Бу албатта, истиқлол туҳфа этган олий бахтдир. Шундай экан, инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги йўлида республика соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ютуқли натижаларни кўриб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошганлигидан мамнун бўламиз.

Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони билан ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ташкил этилганлиги аҳолига янада қўлайлик яратиб, тўғри ташхис қўйиш, мураккаб операция жараёнларини муваффақиятли ўтказиш, даво муолажаларини сифатли бажаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шундай ўз нуфузига эга бўлган марказлардан бири – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш

вазирлиги тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган урология марказидир.

Ушбу тиббиёт маскани урология йўналишидаги республикада ягона етакчи марказ бўлиб, энг замонавий диагностика-даволаш ёрдами кўрсатувчи илмий, ташкилий-услубий ва юқори малакали мутахассис-урологларни тайёрловчи ўқув муассасаси ҳисобланади. Албатта, бундай ихтисослаштирилган марказларда ўта мураккаб операцияларнинг амалга оширилаётганлиги, илмий салоҳият йўлидаги изланишлар, халқаро тажриба алмашинувлари, шу билан бирга тиббиёт фанига

(Давоми 3-бетда).



Семинар

ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАЛАР ЗАМИРИДА

инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ётади

Жорий йилнинг 18 июль куни Наманган вилоятида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2133-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш» мавзусидаги республика семинари бўлиб ўтди.

Семинарни кириш сўзи билан очган Наманган вилояти ҳокими Баҳодир Юсупов мазкур тадбир мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ўтаётганлиги муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, истиқлол йилларида барча соҳалар қатори тиббиёт ҳам мисли кўрилмаган даражада юксалиб, рағнақ топаётганлигини, шунингдек, Юртбошимиз томонидан соҳага оид қабул қили-

бий кўриқдан ўтказилганлиги ҳамда аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш ишлари олиб борилганлиги, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шiori остида тиббиёт, илмий-текшириш институтлари ҳамда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг 300 нафардан ортиқ етакчи мутахассислари, профессор-ўқитувчилари иштирокида ҳафталик

соғломлаштирилганлиги, шу билан бирга Республика ҳудудий скрининг марказларида 149 минг чақалоқ ва 15,4 минг ҳомиладор аёлда биокимёвий скрининг текшируви ўтказилиб, 1916 нафар аёл ҳомиласида туғма касалликлар аниқланганлиги сабабли ҳомиладорлик тўхтатилганлигини ўз фикрларида баён этди.

Бундан ташқари, қишлоқ туманларида яшовчи ҳомиладор аёлларни таркибида фоллий кислотаси бор умумий мустаҳкамловчи поливитаминларнинг махсус комплекслари билан бепул таъминлаш дастури бўйича 157.835 нафар ҳомиладор аёлга 542.127 упаковка поливитамин-

лиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, санитария ва эпидемик ҳолат, фан ва ўқув юртлари фаолияти, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда Инвестиция дастури бажарилиши тўғрисида алоҳида тўхталди. Ва 2014 йилнинг иккинчи ярим йиллигида амалга оширилиши зарур бўлган устувор ва-зифаларга ҳам эътибор қаратди.

Тадбир давомида иштирокчилар Наманган шаҳридаги 3-оилавий поликлиника фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкиллаштириш, айниқса профилактик йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи Д. Миразимов ва бошқарманинг етакчи мутахассиси Б. Одиловлар республика миқёсида ўтказилаётган семинарлар доирасидаги мавзулардан келиб чиққан ҳолда учраётган хато ва камчиликларга эътибор қаратиб, уларнинг ечими бўйича керакли тавсия ва маслаҳатларини бердилар. Мазкур секция ишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А. Худаяров қатнашди.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш масалалари борасида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи С. Исмоилов маъруза қилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаётганлиги ҳамда айрим раҳбарларнинг ўз ишига совуққонлик билан қараётганлиги натижасида ишлар самарадорлигига путур етатганлигини афсус билан қайд этди.

Аҳолига профилактик йўналишдаги тадбирларни



наётган фармон ва қарорлар инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганлиги юртимизда ўзига хос миллий моделнинг шаклланишига, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш сифати ошишига замин яратилганлигига урғу қаратиб, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошганлиги ва бунинг баробарида ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигига ҳам эътибор қаратди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров иштирок этиб, кун тартибидан ўрин олган асосий масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари ижроси, 2014 йил "Соғлом бола йили" Давлат дастури бўйича тизимда амалга оширилган ишлар ҳолати ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдаги устувор вазифалар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. **Жумладан, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси бўйича** жорий йилнинг ярим йиллиги давомида режа асосида 158 минг 490 нафар никоҳланувчи шахс тиббий кўриқдан ўтказилганлиги ҳамда 997 нафаридан ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар аниқланганлиги, ис-талмаган ҳомиладорлиқнинг олдини олиш мақсадида 703 минг 457 нафар туғиш ёшидаги аёллар замонавий контрацептив воситалар билан қамраб олинганлиги, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш бўйича 155 нафар ходим ўқитилганлиги, 6 марта мониторинг ҳафталиги ўтказилиб, 325 нафар юқори малакали мутахассис барча ҳудудларга сафарбар қилинганлиги, шунингдек, ҳудудий мутахассислар томонидан 5.772.620 нафар туғиш ёшидаги аёллар ва 5.932.632 нафар болалар тиб-

акцияси ўтказилганлиги ва ушбу тадбирда 101,8 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида атрофлича тўхталди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А. Худаяров Давлат дастурида болаларимиз саломатлиги муҳо-

лар комплекси бепул тарқатилганлиги, перинатал марказларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича "Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. 2-фаза" лойиҳаси доирасида 13 та мобиль рентген аппарати сотиб олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси

Семинарда вазирлиқнинг ишчи гуруҳи томонидан Наманган ва Андижон вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекцияси тарқалишига сабаб бўлувчи омиллар бўйича ўтказилган текширув ҳамда унинг таҳлилий натижалари бўйича ишти-



фазасига қаратилган масалалар бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида урғу қаратди. Маълумотларга асосан, 287 минг чақалоқ гепатит С, сил, полиомиелитга қарши эмланганлиги, 351 минг бола қизамиқ, паротит, қизилчага қарши, 350 минг бола полиомиелитга қарши, 309 минг бола дифтерия, кўк йўтал, қоқшолга қарши эмлаш билан қамраб олинганлиги, 5.753.901 нафар мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилганлиги, улардан 955.120 нафар ўқувчига флюорография текшируви олиб борилганлиги, Республика ихтисослаштирилган марказларда туғма юрак нуқсонига чалинган 214 нафар болага юрак операциялари амалга оширилганлиги, "Соғлом авлод учун" фонди томонидан "Фриденздорф интернейшнл" ташкилотининг молиявий кўмаги асосида юқори лаб ва танглайнинг нуқсони, оёқ ҳамда бўйиннинг ортопедик нуқсони, юрак туғма нуқсони бўлган ва куйишнинг асоратлари бўйича 251 нафар болалар операция қилиб

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 50-сонли қарори бўйича амалга оширилаётган ишлар, жорий йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 137 та тиббиёт объектини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 407,4 миллиард сўм ажратилганлиги ва 1 июль ҳолатига кўра, объектларда 59,1 фоиз қурилиш, реконструкция ишлари бажарилганлиги, Инвестиция дастури бўйича жорий йилда 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилганлиги ва унинг натижасида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмалари, оилавий поли-клиникалар учун жарроҳлик ва гинекологик жиҳозлар тўплами, офтальмоскоплар ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар хариди ўтказилиб, УТТ, ЭКГ, гастродифиброскоп аппаратлари, музлаткич ва шприцли насос каби тиббий асбоб-ускуналар туман тиббиёт бирлашмаларига етказиб берилаётганлиги ҳам тилга олинди.

Шунингдек, маърузачи соғ-

рокчиларга видеофильмлар намойиш этилди. **Шундан сўнг** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари С. Сайдалиев, Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Н. Отабеков, "Ўзтибтехника" масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Д. Очилов, Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х. Маматхонов, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи С. Мўминовлар сўзга чиқиб, амалдаги самарали фаолиятлар қаторида учраётган муаммо ва камчиликлар хусусида ўзларининг танқидий фикрларини билдириб ўтдилар.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар секцияларга бўлинган ҳолда долзарб мавзулар бўйича ечимини кутаётган масалаларни муҳокама қилдилар. Секция ишларида мавзу доирасида масъул бўлган соҳа мутахассислари иштирок этди.

Семинар сўнгида "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш, ҳудудлар кесимида камчиликларни бартараф этиш, мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тавсия ва топшириқлар берилди.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Истиқлол шарофати

ТИББИЁТ ИХТИСОСЛАШУВИ ТИЗИМДА ЮҚОРИ САМАРА БЕРДИ

йўналтирилаётган ҳар бир янгиликлар Ўзбекистон тиббиётининг дунёга танилаётганлигидан далолатдир, десак муболаға бўлмайди.

Республика ихтисослаштирилган урология марказида бўлганимизда юқоридаги фикрларимизнинг ифодасини яққол кўрдик ва марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Фарҳод Оқилов билан суҳбатда бўлдик.

– Мана, ҳадемай Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлаймиз. Дарҳақиқат, бу қисқа давр ичида юртимизда ҳар бир соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Бир сўз

ри асосида даволаб, юқори натижаларга эришмоқда. Тиббиёт муассасамиз фаолиятининг асосий йўналишлари – сийдик-тош касаллиги, сийдик йўллари инфекциялари, простата безининг хавфсиз гиперплазияси, эркеклар жинсий фаолияти бузилишлари, уроонкологик касалликлар, урологик аъзолар туғма нуқсонларининг замонавий ташхиси ва даволаш ҳамда олдини олишдан иборатдир.

Даволаш-диагностика бўлимида ҳар куни 200 дан ортиқ беморга диагностика ва амбулатор шароитида даволаш хизматини кўрсатишга мўлжалланган. Бунда энг замонавий диагностика ва даволаш усуллари – кли-

лари сийдик йўллари инфекцияси, простатанинг хавфсиз гиперплазияси, эриктил дисфункция, сийдик-таносил тизими аномалиялари ва ўсма касалликлари билан келган беморларнинг диагностикаси, даволаш-профилактикаси ва диспансеризацияси амалга оширилади. Аниқ диагноз қўйиш учун кетадиган вақт кўп ҳолларда 2 соатдан кам бўлади. Касалнинг хоҳишига кўра текширув ва даволаш амбулатор ёки стационарда олиб борилади.

Айтишим муҳимки, шифо масканимизда юқори технологияли кам инвазив усуллар, ҳатто операция қилишда хавфи юқори бўлган касалликларда ҳам мураккаб пластик аралашувларни, жумладан, игнали аспирация ва буйрак ёки простатани дренажлаш, сийдик чиқарув йўлларидаги барча қисмидаги тошларни дистанцион ва контакт (лазерли, ультратовушли, пневматик) ҳолатда майдалаш ва олиш, ҳомиладорларда стентлаш ёки нефростомик дренажлаш йўли билан юқори сийдик йўлларидаги обструкцияси ва ўткир яллиғланиш жараёнларини қон чиқармасдан ликвидациялаш, сийдик ажралиши тўхтаб қолишида ультратовуш назорати остида сийдик пуфаги дренажини пункцион ўрнатиш, простата беги хавфсиз гиперплазиясида модификацион трансуретрал ёки трансвезикуляр игнали абляцияси ёки унинг резекцияси, сийдик пуфаги ва сийдик канали ўсмаларида

ги энг кам жароҳат етказадиган усул ҳисобланади. Марказимизнинг янги имкониятларидан бири – эгилувчан уретрореноскоп жараёнининг амалга оширилишидир. Эндовизуал операцияда уни қўллаш тош олиш амалиёти янада такомиллашишига имконият берди. Клиникамизда сийдик йўлларидаги тошни олишда кам жароҳат етказадиган усулларни кенг қўллаш натижасида очик усулдаги жарроҳлик амалиётлари сонини 18 фоизгача камайтиришга эришилди. Яна марказимизнинг эътирофли фаолиятларидан бири энг иқтидорли, ўз касбини мукамал эгаллаб бораётган ёш мутахассисларимиз чет тилларини жуда яхши билишади.

ноёб ва мураккаб операциялар муваффақиятли бажарилаётганлиги, илмий салоҳият йўлидаги изланишларимиз натижаси мамлакатимиз фуқаролари бошқа давлатларга бориб даволаниб келишларига ҳеч қандай ҳожат қолмаганлигини исботлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 1 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош муассасалари томонидан ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг соҳалар бўйича савиясини ошириш ҳамда республика ҳудудларида истиқомат қи-



билан айтганда, босқичма-босқич ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган ишлар замирида асосан инсон саломатлиги, турмуш фаровонлиги ва унинг манфаатлари ётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, пойтахтимиздан тортиб, юртимизнинг чекка ҳудудларигача бунёдкорлик ишларининг жадал олиб борилаётганлиги натижасида юртимиз борган сайин чирой очиб бормоқда. Бундан ташқари, Ватанимиз равнақи учун бор билим ва кучини аямаётган, шу билан бирга юртимиз шарафини ҳар томонлама ҳимоя қилаётган ёшларни кўриб, келажгимиз порлоқ эканлигини дилдан ҳис этамиз. Зеро, барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам самарали фаолиятлар йўлга қўйилиб, бу борада ютуқли натижаларга эришилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, тизимда ўтказилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан Урология илмий маркази Республика ихтисослаштирилган урология марказига айлантирилиб, у тиббий, илмий, ташкилий-услубий ўқув муассасаси сифатида, юқори даражали ихтисослаштирилган даволаш-диагностика тиббий ёрдами кўрсатиш билан бирга республика миқёсида ушбу хизматнинг истиқболли ривожланиш стратегияси белгилаб олинди.

Шунингдек, марказимиз Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти урология кафедраларининг ўқув-клиник базаси сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, айни пайтда Хоразм вилоятида марказимиз филиали аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда марказимизда 70 нафардан ортиқ врач мавжуд бўлиб, улардан 50 нафари урологдир. Мутахассисларимиз республика ҳамда қўшни давлатлардан келаётган беморларни жаҳон стандартла-

рик ва биокимёвий, бактериологик ва цитологик, ультратовуш ва рентгенологик, уродинамик ва ангиографик, эндоскопик ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилади.

Операцион бўлимда беморларга асосан кам жароҳат етказувчи эндоурологик ва анъанавий операция амалиётларининг барча турлари бажарилади. Энг янги замонавий эндоскопик тиббий жиҳозларнинг қўлланилиши операция вақти кескин қисқаришига, операция билан боғлиқ бўлган барча асоратларнинг камайишига замин яратмоқда. Ҳар йили марказимизда 30 мингдан зиёд беморларга амбулатор ва стационар шароитида тиббий ёрдам кўрсатилади. Стационар шароитида даволаш учун 3 та бўлим мавжуд бўлиб, улар 92 та ўринга мўлжалланган. Бўлимларда беморлар учун барча қулай шароитлар яратилган. Ҳар йили республикаимизнинг турли вилоятлари, қўшни республикалар ва хориждан келган 6000 дан ортиқ беморга юқори малакали урологик хизмат кўрсатилади ва 1 йилда 8 мингдан зиёд операция амалиёти бажарилади.

Марказимиз Германия, Англия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларнинг етакчи урологик клиникалари ва марказлари билан илмий ҳамкорликда фаол иш олиб бормоқда. Шу билан бирга марказ қошида фаолият юритувчи Ўзбекистон урологлари илмий жамияти халқаро съезд, пленум ва ҳар ойда ўтказиладиган илмий йиғилишлари орқали республика урологларининг малакасини узлуксиз оширишга имконият яратди. Беморларга тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволаш жараёнларини сифатли амалга оширишда энг сўнгги русумдаги тиббий аппаратлардан фойдаланиш катта самара бермоқда.

Клиникамизда тош касаллик-



трансуретрал резекцияси, сийдик канали торайишида буккал пластика, гидронефроз, буйрак аномалиялари ва сийдик-таносил зарарланишларида реконструкция ва пластик операция ҳамда аёлларда сийдик тутат олмаслик ҳолатларида кенг ҳажмли урогинекологик аралашувларни амалга оширилади. Ўтказилаётган ушбу амалиётларнинг хавфсизлиги, стериллиги турли мосламалардан фойдаланиш ва асбобларни ҳамда эндоскопик техникаларни стерилизация қилишда газли стерилизацияни кенг қўллаш орқали таъминланади.

Марказимиз шифокорлари Ўзбекистонда (Марказий Осиёда) биринчи бўлиб сийдик йўллари тошларини олишда кам қон йўқотиладиган кам инвазив амалиётларини бажариш технологиясини самарали ўзлаштириб, кенг татбиқ қилишга эришди. 15 йилдан буён буйракдаги тошларни олиш бўйича эндовизуал амалиётлар қўлланиб келинмоқда. Аммо ўтган давр мобайнида бу амалиётлар ультратовушли, пневматик ёки электрогидравлик генераторлар ёрдамида бажарила эди. Жорий йилда эса марказимизга янги аппарат – лазер липтотриггери келтирилди. Унинг таъсир хусусияти фақатгина тошга қаратилган бўлиб, умуман соғлом тўқималарга таъсир кўрсатмайди, натижада асоратлар кам бўлади, реабилитация тез ўтади ва иш қобилияти дарров тикланади. Бу замонавий тиббиётдаги қўлланиладиган усуллардан тошни майдалашда-

Шу билан бирга, уларнинг компьютер савдонлиги ҳам бугунги давр талабига жавоб беради. Хорижий мамлакатларда ўтказилаётган анжуман, съезд, конгрессларда мутахассисларимиз мунтазам тарзда иштирок этиб, чет тилларда бемалол маъруза қилиб, мулоқотда бўла

оладилар. Бундан ташқари, ёш мутахассисларимиз чет эл клиникаларида ҳам бўлиб, тажриба қўламларини бойитиб келмоқдалар. Европа урологлар ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бўлиб ўтган халқаро миқёсдаги урологлар анжуманларида маҳорат дарсларини ўтказиб, мазкур жараёнда чет эллик ҳамкорлар билан маҳаллий мутахассисларимиз долзарб мавзуларда баҳс-мунозаралар олиб бордилар.

Шу ўринда Германиялик ҳамкасбимиз Питер Алкиннинг эътирофли фикрларини айтиб ўтмоқчиман. Маҳорат дарсларида марказимиз мутахассислари буйрак-тош касаллигига замонавий ёндашиш усуллари хусусида тақдимот билан бирга, операция жараёнларини бажарганлигини кўрган Питер Алкин: «Ушбу марказ мутахассислари тажрибасидан ўрганишимиз керак бўлган томонлар бор экан», дея ходимларимиз меҳнатига катта баҳо берган эди. Демак, ҳамкасбимизнинг ушбу фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак, марказимиз энг сўнгги русумдаги аппаратуралар билан жиҳозланиши,

лувчи аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун «Маҳорат дарслари» ўтказиш тўғрисида»ги 125-сонли буйруғига асосан республика тиббиёт муассасаларида маҳорат дарсларини назарий ва амалий тарзда олиб бормоқдамиз.

Шунингдек, вазирлик томонидан республика миқёсида ўтказилаётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги ҳафталик акцияларида ҳам мутахассисларимиз аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишда фаол иштирок этмоқдалар.

Марказимиз бош муассасаси ҳисобланганлиги сабабли ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган мазкур йўналишдаги тиббиёт муассасалари учун, яъни қуйи бўғин ҳамда юқори бўғинлар учун жаҳон андозаларига мос стандартлар ишлаб чиққанмиз. Маълумки, сўнгги йилларда фуқароларимиз томонидан буйрак-тош касаллиги ҳамда сийдик каналининг торайиши бўйича кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, буйрак-тош касалликларининг 88 фоизида кам жароҳат етказувчи амалиёт ўтказилса, 12 фоизда эса очик амалиёт бажарилмоқда. Сийдик йўли каналининг торайиши бўйича ҳам амалиётлар муваффақиятли ўтказилмоқда. Ўтган йили 60 та операция бажарилди. Сийдик йўли торайиши натижасида юзага келган нуқсонни камайтириш ва фаолиятни тиклаш учун оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидан керакли қисм кесиб олиниб, муҳим бўлган жойга жойлаштирилади. Бундай жараёнлар муваффақиятли бажарилганлигини, албатта, тиббиёт фанидаги изланиш ва янгиликларнинг самараси деб биламан.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хулоса ўрнида айтиш муҳимки, Республика ихтисослаштирилган урология марказининг бир қулиқ иш фаолияти билангина танишдик. Беихтиёр инсон саломатлиги учун яратилган бундай кенг имкониятлар истиқлолимиз берган буюк неъмат эканлигини яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи

Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Марказ фаолиятидан лавҳалар.

Имконият ва ғамхўрлик

ИЖОД АҲЛИ САЛОМАТЛИГИ
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасига кириб борар эканмиз, аввало унинг хушманзарали табиати, айниқса мевали дарахтларию анвойи гуллари билан яшнаб турган боғлари диққатимизни ўзига тортди. Шунингдек, поликлиника биносининг ички ва ташқи кўриниши бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради.

Бунинг баробарида ўз касбининг фидойилари бўлган малакали шифокорлар жамоада астойдил меҳнат қилаётганлиги у ерда соғлом муҳит барқарорлигини ифода этиб турибди. Хоналардаги иш жараёнини бирма-бир кузатар экан-

шароитларни яратиб бериш энг асосий вазифамизга айланиши зарур деганлари ижод аҳлига бўлган юксак эътирофдир. Албатта, шу ўринда таъкидлашим муҳимки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси Президентимизнинг 2010 йил 26 фев-

бепул даволаш ишлари юзасидан йилига бир марта бепул тиббий кўрик ўтказиш ва уларнинг саломатликларини мунтазам тиклаш ишлари йўлга қўйилган. Поликлиникамизда олий тоифали етук мутахассислар – невропатолог, стоматолог, терапевт, окулист, инфекционист, жаррох, рентгенолог, ЛОР, гинеколог, физиотерапевт, уролог, аллерголог, кардиолог, эндокринолог, педиатр, болалар невропатологи, УЗД ва биохимия лабораторияси шифокорлари фаолият олиб боришади. Поликлиникамизга саломатликлари бўйича мурожаат этиб келаётган ёзувчи ва шоирларнинг асосий шикоятларидан кўз аъзоларининг зўриқиши кўп кузатилганлиги боис, офтальмолог хонаси замонавий аппаратлар, жумладан кератометр, авторефрактометр, контактсиз автотанометр ва биомикроскоплар билан жиҳозланган. Шунингдек, лаборатория хонасига биохимик, гематологик анализаторлар қўйилган бўлиб, бугунги кунда 50 дан ортиқ турли хил қон таҳлиллари аниқланиб, касалликларни эрта ташхислаш йўлга қўйилди. Сурункали ўпка-юрак етишмовчилиги бор бўлган кекса авлодга мансуб адилбларнинг нафас олиш фаолиятини яхшилаш ва даволашнинг янада самарали натижа бе-



хонасидаги китоб жавонида турган ёзувчи ва шоирларнинг ижодларини севиб мутолаа қилишини айтиб, ана шундай ижодкорлар саломатлигини муҳофаза қилиш жамоа тиббиёт ходимларининг эзгу мақсадларидан бири эканлигини таъкидлади. Шунингдек, поликлиниканинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан доимий ҳамкорликдаги фаолиятини ҳам эътироф билан тилга олиб, асосан вазирликнинг буйруқлари бўйича юритилаётганлигини ўз фикрларида

зали ҳам улар хизматида. Ижод уйимизда ташкилотлар, мактаб ва маҳалла фаоллари билан таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Асосийси, давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўрлиги боис соҳа мутахассислари учун яратилган бундай шароит ва имкониятлар инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги учун хизмат қилаётганлиги, бу албатта юртимизда инсонларнинг бир-бирига бўлган



миз, энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуна ҳамда аппаратларнинг мавжудлиги беморларга тўғри ташхис қўйиш ва даво муолажаларини ўтказишда муҳим аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Шифо маскани фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида поликлиника бош шифокори Анвар Ражабов билан суҳбатлашдик.

– Аввало ҳар биримиз ана шундай жаннатмакон юртда яшаётганлигимиздан фахрлансак арзийди. Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан кундан-кун чирой очиб бораётган серкўёш Ўзбекистонимизнинг таърифига сўз ожиз. Қайси бир соҳа фаолиятига назар ташламайлик, уларда эришилаётган ютуқлар, туб ўзгаришлар, янгилик ва изланишлар Ватанимиз келажаги порлоқ эканлигидан далолатдир. Эътирофлиси шундаки, Юртбошимизнинг ҳар бир соҳа мутахассислари фаолияти, қолаверса, уларнинг турмуш фаровонлигига қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари бундан мустасно эмас.

Шундай экан, муҳтарам Президентимиз “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва барча шарт-

ралдаги 1292-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” жамоат фонди ташкил этилгандан сўнг қайта номланди.

“Ижод” жамоат фондининг асосий вазифаларидан этиб, кекса авлодга мансуб ёзувчилар, шоирлар, адилблар ҳамда ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодларига амалий ёрдам кўрсатиш, қулайликлар яратиб бериш тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ишлари юклатилди. Бугунги кунда поликлиникамизга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассислари бириктирилди ва уларнинг ҳафтада бир марта поликлиникада маслаҳат бериш кунлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан республикамизнинг марказий клиникаларида ёзувчи ва шоирларнинг даволанишлари учун йилига 100 та бепул йўлланма ажратилмоқда, охириги 4 йил ичида Тошкент шаҳрининг етакчи клиникаларида 240 нафардан ортиқ ёзувчи ва ижодкорлар бепул даволандилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан келишилган ҳолда жойлардаги уюшма аъзоларининг соғлиқларини назорат қилиш ва касалхоналарда

риши учун кислород концентратор аппарати харид қилинди.

Соғлом бола йили муносабати билан поликлиникамизда ижодкорларнинг 17 ёшгача бўлган фарзандларини доимий тиббий кўриқдан ўтказиб бориш юзасидан педиатр, болалар невропатологи штатлари очилди ва айни пайтда улар фаолият олиб бормоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, поликлиникамизда ижод аҳли саломатлигини муҳофаза қилиш, ўз вақтида тиббий кўриқлардан ўтказиш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Шу билан бирга “Дўрмон” ижод уйида ижодий ишлар билан дам олаётган ёзувчи ва шоирларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб туриш учун тиббиёт пункти ташкил этилган бўлиб, керакли физиотерапевтик жиҳозлар, ЭКГ ва шошилиш вазиятларда ёрдам кўрсатиш учун дори-дармонлар билан таъминланган. Шифокор ва ҳамшираларнинг доимий навбатчилиги йўлга қўйилган.

Суҳбатимиз давомида Анвар Ражабов юртимиз ижодкорлари бўлмиш ёзувчи ва шоирлар меҳнати нечоғлик машаққатли эканлигини, шу билан бирга улардаги ички туйғунинг самимийлиги ҳамда фикрларининг теранлигию, Оллоҳ томонидан инъом этилган истеъдодлари хусусида тўхталиб,

баён этди. Айниқса, поликлиникада тиббий асбоб-ускуналар, зарурий аппаратлар олишда ўз тавсия ва маслаҳатларини берган, ижодкорлар саломатлигини сақлаш ҳамда даволашда малакали мутахассисларни жалб этишда ёрдам кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимовга самимий миннатдорчилигини билдирди.

Поликлиникадаги фаолиятлар билан танишиб бўлгач, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида бўлдик. Ушбу маскан Тошкент вилоятининг энг хушманзара ҳудудларидан бири Қибрай туманида жойлашган бўлиб, унинг мусавфо ҳавоси, бетакрор табиати нафакат ижодкор, балки ҳар бир инсон қалбига илҳом бағишлайди.

– Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйи 80 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2010 йилда ҳомийлик йўли билан қайта реконструкция қилинди. Бу ерга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ёзувчи ва шоирлар таъриф буюриб, ижод қилиш билан бирга саломатликларини тиклайдилар. Яқинда ишга туширилган бассейн ҳам дам олувчиларни жисмонан ва руҳан тетиклаштириб, уларни янада жўшқин ижод қилишга ундаши табиий. Кутубхона, ошхона ва мажлислар

меҳр-муҳаббати ва яхшилик йўлида олиб бораётган ишларининг ёрқин ифодасидир, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйи директори Абдусаттор Мўминов.

Саёҳатимиз давомида ижод қилиш билан бирга дам олаётган таниқли ёзувчи Носир Фозилов ҳамда уларнинг турмуш ўртоқлари Мастура Фозилова-лар билан дилдан суҳбатлашдик.

– Аввало, истиқлол нашини элимизга олиб кирган, ҳеч бир давлатдан қолишмайдиган юртимизни жаннатмаконга айлантирган Юртбошимизга минг бора раҳматлар айтгимиз келади. Айниқса, мамлакатимиз ижод аҳли учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган ва ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида Президентимизнинг табриклари соҳа вакиллари янада руҳлантириб, ижодимизга янада ижод қўшади десам муболаға бўлмайди. Ушбу ижод уйи 1944 йилда ташкил этилган бўлиб, шу йили 70 йиллиги нишонланар экан. Мана шу йиллар давомида юртимизнинг қанчадан-қанча таниқли ва эл суйган шоири ёзувчилари ушбу даргоҳда ижод қилиб, ўзларининг ўлмас (Давоми 5-бетда).

Имконият ва ғамхўрлик

ИЖОД АҲЛИ САЛОМАТЛИГИ
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

асарларини яратдилар. Буларнинг барчаси ўтмиш, тарих ва умр манзилларининг ўчмас хотираларидир, – дейди Носир Фозилов. – Мени ёзувчи бўли-

бир бахтли кунимизни шоду хурамлик билан ўтказиб келаётганлигимизга шукроналар айтгимиз келади. Ёзаётган ҳар бир китобимни Мастурахон таҳрир қила-

йўқотмадим”, “Эсласанг кўнглинг ёришур” ва “Мунаввар лаҳзалар” китобларини варақлар эканмиз, замон руҳида ёзилган асарлар қалбимизни жунбушга келтирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Дўрмон” ижод уйининг фаолияти билан танишиш чоғи-

монидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни кўриб, мамлакатимизда инсон саломатлиги ҳамда унинг манфаатлари давлатимиз сиёсати-



шимда, эл орасида танилишимда турмуш ўртоғим Мастурахоннинг ҳам хизматлари бекиёс. У киши кўп йиллар давомида “Ўзбекистон” нашриётида фаолият юритиб келдилар. Биргаликда ўтган умримизнинг унутилмас хотираларини эслаб, Оллоҳ бизга инъом этган ҳар

(Давоми. Боши 4-бетда).

дилар. Шу жараёнда гоҳида иккала ижодкор ҳам фикрлашиш, ўзгариш каби ҳолатларга дуч келамиз. Турмуш ўртоғимнинг бу борадаги мулоҳазалари ижодимга янада ижод қўшади.

Ҳа, таникли адиб Носир Фозиловнинг ўйчан, шукрона ва теран фикрларига қулоқ тутиб, столлари устида турган яқиндагина нашрдан чиққан “Топдим у –

Шунингдек, адиб ижод уйида дам олишлари билан бирга яна бир нашрга тайёрланаётган китобларини тугатиш арафасида эканлар. Таникли адибнинг ўтмиш хотираларию бугунги кун шукроналикларига қулоқ тутар эканмиз, юртимизда ана шундай ёзувчи ва шоирларимиз борлигидан фахрланиб, уларнинг ижодларига омадлар тилаб қайтдик.

да ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда истиқомат қилаётган яна бир бор ижод аҳли учун ҳукуматимиз то-

нинг устувор вазифасига айланганлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида астойдил меҳнат қилиб, халқимиз соғлиги йўлида ўз билим ва касб маҳоратини ҳамоҳанг тарзда олиб бораётган соҳа мутахассислари фаолиятига ривож тилаб қолдик.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Дил изҳори

ШИРИН МУОМАЛА БЕМОРГА МАЛҲАМ



Онани фарзанди саломатлигидаги муаммо изтиробга солади. Қўлидан келсаю унинг дардига шифо бағишласам, деган зот ҳам онадир. Таҳририятимизга шифокорлардан миннатдор бўлган кўплаб оналар ўз мактубларини йўллашади. **Андижон вилоятидан** ўз қалб изҳорини йўллаган Ҳадяхон Ҳожиматованинг мактуби илиқ ва самимий жумлалардан иборат:

– Ўғлим Азизбек Мадаминовнинг руҳий ҳолатида анчадан бери кузатилиб келаётган ўзгариш мени ҳам ташвишга сола бошлади. Тўғри, аввал Андижон шаҳридаги тиббиёт муассасаларида ишлаётган мутахассис-шифокорларга мурожаат қилиб, даволаш жараёни амалга оширилган эди. Аммо ижобий томонга ўзгариш бўлмагани учун Тошкент шаҳридаги руҳий касалликлар клиник шифохонасига келиб, бу ердаги етук мутахассислар кўригида бўлгач, дилбандимда ижобий ўзгариш рўй берди.

Ўғлим барча тиббий ва маиший шароитлар муҳайё этилган шифохонада ётиб даволана бошлади. Бу ерда беморларга ўзининг ширин муомаласи билан ҳамда зарурий дори-дармонлар-

ни ўз вақтида қабул қилишга ғамхўрлик кўрсатган шифокорлар борлигидан кўнглимиз тоғдек юксалди. “Беморга шифокорнинг хуш каломи малҳам” деганларидек, ўғлим Азизбек қисқа муддат ичида соғлигини тиклаб олди. Бўлим мудир Отабек Маҳмудов, врач Кундуз Хусановларнинг беминнат кўрсатган хизмати учун миннатдор бўлдик.

Навбатдаги мактуб эгаси – **Хоразм вилояти, Урганч тумани, Дўрмон фермерлар уюшмаси** ҳудудида яшовчи Зийнат Ёдгорова кўпдан бери ўзини юрак хасталиги безовта қилаётганини таъкидлаб, жорий йилнинг 7-17 май кунларида Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм вилояти бўлимида ётиб даволанганини маълум қилади.

– Шифохона бош врачлари Анвар Сагиров раҳбарлигида жамоа аъзоларининг беморларга сидқидилдан хизмат кўрсатаётганига гувоҳ бўлдик. Зулфия Раҳмонова, Эргаш Ибрагимовлар ўз шифокорлик бурчига содиқ эканлигига тан бердик. Нафақат менга, балки кўриш қобилияти сустлашган қизимга ўзининг маслаҳатларини берган кўз шифокори Шуҳ-

рат Ибрагимовдан ҳам миннатдоримиз. У киши ой-кунни яқин ҳомиладор қизимга фарзандини дунёга келтириш учун кесарево операциясини қўллаш кераклигини аввалдан маслаҳат бердилар. Шундай қилиб, қизим 2014 йил 22 апрелда эгизак фарзандли бўлди. Ҳозирда невараларим соғлом ривожланыпти. Бизга хурсандчилик бағишлаган барча шифокорларга умрлари узоқ, тану жонларини соғ бўлишини тилаб қоламиз.

Қайси касбда ишлашдан қатъи назар, ҳар бир кишининг ёши ўтгач, у билан боғлиқ касалликлар келиб чиқади. Буни ёш ва касб билан боғлиқ касаллик сифатида шифокорлар яхши билишади. **Тошкент шаҳрида** жойлашган санитария-гигиена ва касб касалликлари шифохонасида республикамизнинг турли бурчакларидан келган кишилар даволаниб, ўз саломатликларини тиклаб кетадилар. Жумладан, **Қорақалпоғистон Республикасида** истиқомат қилувчи Давлатниёз Жабборберганов ушбу шифохонада беморларга кўрсатилаётган сифатли ва намунали тиббий хизматдан мамнун бўлиб қайтганини таъкидлаб, шундай сатрларни ёзади:

– Аввал ҳам бу шифохонада даволаниб кетган эдим. Ўтган бир йил ичида бу ерда анча ўзгаришлар туфайли кўплаб қулайликлар яратилибди. Бу эса ҳукумат миқёсида аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан далолат беради. Даволаш бўлмалари тоза-озода, саранжом-саришта, барча тиббиёт ходимлари хизматидан хурсанд бўлдик.

Бундай таассуротларни ўқиганда, ўз касбий бурчига садоқатли шифокорлар кўз ўнгингизда гавдаланади. Уларнинг маънавий қиёфасини умумлаштирган ҳолда, фидойи шифокор тим-солини тасаввур қилиш мумкин. Зеро, элнинг ҳурмат-эътиборини қозонаётган, нафақат дори-дармон, балки юксак мулоқот маданияти билан ҳам улар қалбига йўл топаётган тиббиёт ходимларига икки дунё саодати насиб этсин.

Мактубларни Хулкар КУЗМЕТОВА шарҳлади.

Ижтимоий ҳимоя

МУВАФФАҚИЯТ – ПИРОВАРД НАТИЖА

Ҳар ишнинг муваффақияти – пировард натижа билан ўлчанади. Давр талаби асосида фаолият кўрсатиб, бизга мурожаат қилган кишилар билан жиддий шуғулланаямиз.

Жамоамиз хизмат кўрсатаётган Шовот, Янгибозор ва Гурлан туманлари аҳолиси орасида ногиронлиқни белгилаш ва олдини олишга, камайитиришга катта талабчанлик билан ёндошилмоқда.

Кейинги йилларда тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг моддий-техник базаси анча яхшиланиб, ходимлар учун қулай иш шароити яратилди. Барча туманларда ТМЭК ва Пенсия дастурларини ўзаро боғлаш ишлари якунланди. Ходимларимиз ўз вазифаларига масъулият билан қараганликлари туфайли бирламчи ногиронлиқни белгилаш ишлари тубдан яхшиланди.

Республикамизнинг тиббий меҳнат экспертиза соҳасига оид ҳужжат ва қарорлари, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йиғилиш қарор ҳамда буйруқлари билан танишиб, ходимлар ўртасида, шунингдек, Шовот ва Янгибозор туманлари шифохона ҳамда поликлиника шифокорлари билан семинарлар ўтказилди.

Гавҳар КАРИМОВА,
Хоразм вилояти Шовот туманлараро 99-сонли ТМЭК аъзоси.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар соғлигини, уларни ўз меҳнат жамоасига, соғлом одамлар сафига қайтариш борасида мамлакатимизда хайрли ишлар қилинмоқда.

Жамоамиз даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида фуқароларнинг касаллик туфайли ҳаёт фаолиятининг чекланганлик даражаси, ногиронлик гуруҳи ва муддати, тиббий-ижтимоий ёрдамнинг қайси турига муҳтожлигини аниқламоқда. Тиббиёт бирлашмалари, пенсия жамғармалари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шу йўналишдаги ишларни кучайтириб, жорий йилнинг биринчи чорагида бир қатор ижобий натижаларга эришдик. Чунончи, 21 кишининг ногиронлик гуруҳи бекор қилиниб, 59 кишининг ногиронлик гуруҳи енгиллаштирилди. 33 нафар фуқаро протез-ортопедик, реабилитация техник воситалари, 5 нафар фуқаро ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Озод ҚУРБОНОВ,
Хива туманлараро 98-сонли ТМЭК раиси.

Долзарб мавзу

ДИСБАКТЕРИОЗ — ОДАТИЙ МЕЪЁРЛАР БУЗИЛИШИ

Сабоҳат ая "янгилик", дея невараларига атаб бозордан кулупнай олиб келди. Болаларнинг хурсандчилиги ичига сиғмай, онасига "битта беринг, битта еб кўрай" дейишлари-чи. Оналари эса: "Йў-ўк, ҳали бу кулупнай ювилмаган. Ювай, ана ундан кейин мазза қилиб еяверасизлар", деди. Шундай қилди ҳам. Лекин, уч фарзандининг бари, айниқса кенжатоий — Асроржоннинг қорни оғриб, ичи бузилди. Болажонларнинг онаси-ю, бувиси ҳайрон: "Ахир кулупнайни жўмракдаги топ-тоза оқар сувда ювган эдик-ку".

Яна бир воқеа. Назирахон ишдан қайтишда бозорга узум олгани кирди. Ҳай-ҳай, узумларнинг товланишини-чи. Пештахтадаги узумлар гўё кўргазмага қўйилгандек. Назирахон ҳали у узумга маҳлиё бўлди, ҳали бу навига. Шу тахлит узумларнинг нархини сўраш баробарида пештахтадаги узумлар-

нинг ҳар бир туридан "атиғи" бир гўжумдан олиб, битта-битта оғзига солар, баъзан савдолашиб ҳам кўяр эди. Охири чарос узумдан харид қилди. Бундан, айниқса болалари мазза қилишиб ейишини ўйлаб, ўзидан ўзи мамнун бўлди. Кун исигандан исиб, кечга бориб офтоб ўз кучини кўрсатишдан чарчамади. Бозордан чиқаётиб у салқин ичимликдан бир стакан ичиб олди, ярим соатлар чамаси ўтиб, у уйига етиб келди. Лекин негадир қорни оғрий бошлади. Назирахон ўзича ўйлади: "Ахир қорним оч бўлса, ҳеч ноҳўя нарсаси емаган бўлсам, нега бундай бўляпман?"... Шу кун Назирахон не ниятлар билан харид қилиб келган узуми ҳеч кимга татимади. Ошхона столида қандай олиб келинган бўлса, шундайлигича қолиб кетди. Назирахонни "Тиббий тез ёрдам" машинаси юқумли касалликлар шифохонасига олиб келди.



Юқорида биз ҳикоя қилган ҳар икки воқеани таҳлил қилишдан аввал дисбактериоз ҳақидаги маълумотларни эслатамиз. Инсоннинг 1 грамм қўричагидаги моддада 400 турдаги 2 миллиардга яқин микроорганизмлар мавжуд. Лекин уларнинг тури ва саноғи ҳар хил бўлади, яъни одамнинг ошқозон-ичак йўлида асосан бифидо ва лактобактериялар мавжуд. Лактобактериялар оғиз бўшлиғи, димоқ, ошқозон, йўғон ва ингичка ичакда, бифидобактериялар эса асосан йўғон ичакда яшайди.

Ич бузилиши сабаблари куйидагилар: муддати ўтган, сифатсиз овқат ва бошқа егуликлар истеъмоли, ҳазм бўлмаган егуликлар.

Дисбактериоз касаллиги асосан стрессдан ("айиқ касаллиги"), алкоғолли ичимликни кўп истеъмол қилиш ва организмнинг бирон егулики қабул қилмаслиги, яллиғланишлар (хусусан, ошқозон ёки 12 бармоқли ичакдаги яллиғланишлар, эрозиялар), саёхатчи диареяси (унга нотаниш бўлган флораларнинг ноҳўя таъсири)дан келиб чиқади. Шунингдек, уни пайдо қилувчи омиллардан яна бири — инсоннинг талваса (стресс)га тушишидир. Стресс ҳолатига тушганларнинг 60-70 фоизи дисбактериозга дуч келишини шифокорлар яхши билади. Бу инсонларнинг аксарияти соғлом ҳисобланишади. Кимки фавқулодда вазиятга дуч келса, жуда кескин ҳолатда, бирон ўта жиддий муаммони ҳал қилиши зарур бўлса юрак уриши тезлашади, артериал қон босими ортади, қонда қанд микдори кўпаяди ва аксарият ҳолларда дисбактериоз пайдо бўлади. Бундай дизбактериозга учраган киши истеъмол қилган егуликларга алоқадор бўлмайди. Фавқулодда ҳолатда ошқозон ширасининг ажралиши бузилади, овқат ҳазм қилиш қийинлашади ва натижада учовлардаги pH кескин ўзгаради. Натижада фойдали бактериялар ўрганган муҳит йўқолгани сабабли патоген флоралар кўпая боради.

Ноҳўя экологик шароит инсон имунтизими фаолиятини, гомеостаз — организмдаги мутаносибликни издан чиқариши мумкин. Нотўғри овқатланишлар — нон билан қолбаса ёки шунга ўхшаш нарсаларни доимий истеъмол қилиш, чипс, қандолат маҳсулотлари, турли консерваларга ружу қўйиш, уларни овқат ўрнида ейиш ичаклардаги фойдали микрофлораларни сўзсиз ўлдирди.

Ич қотиши, метеоризм, ич бузилиши каби ҳолатларда албатта шифокор кўригига бориш шарт. Шу ўринда айтиш муҳимки, антибиотик қабул қилган беморлар ҳам бу борада шифокор билан албатта маслаҳат қилиши зарур.

Маълумки, бола дунёга стерил ҳолатда келади. Чақалоқ дунёга келганининг 2-3-кунларидан бошлаб турли бактериялар унинг ичакларидан жой олади. Булардан қанчаси фойдали микрофлора бўлади, бу — онанинг кўкрак сути билан нечоғли мунтазам боқишига боғлиқдир. Ҳаётининг илк кунларидаги онанинг тўғри хатти-ҳаракатлари бола ичакларида кейинчалик ўрнашадиган флораларнинг фойдали ёки зарарли бўлишига асос бўлади.

Бунинг учун биз инсон ичакларидаги ҳолатни билмоғимиз жоиздир. Ичакларда ўнлаб турдаги бактерия ва микроблар фаол ҳаёт кечирадилар. Йўғон ичакнинг ўзида ўн турдаги микроорганизмлар мавжуд. Қизиги шундаки, улар орасида инсонга фойдали ва зарарлилари бир макон ҳамда бир замонда яшайверадилар. Бифидобактериялар, лактобактерияларни фойдали, деб айтиш мумкин. Ичак таёқчаларига эса баъзан фойдали, баъзан зарарли, яъни патоген флора, деб қараш мумкин. Ичакларда патоген флора кўпайиб кетса, киши дисбактериозга чалинади. Инсон табиати шундайки, ўзида бор неъматнинг қадрига етмайди. Ниҳоятда митти жонивор бўлган фойдали бактериялар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин, чунки улар инсон саломатлиги йўлида тинимсиз фаолиятда бўладилар. Инсон ичаклари деворига зич ёпишган фойдали микрофлоралар ошқозон-ичак трактига кириб қолган токсинларнинг ичкарига сўрилишдан сақлайди. Хусусан, ичаклардаги "қилич тишли" кокк ва таёқчаларга молочная кислота, яъни лактобактериялар табиий захар сифатида самарали таъсир кўрсата олади. Фойдали микрофлоралар оқсил, ёғ ва углеводларнинг алмашинувида ҳамда дармондориларнинг сўрилишига ёрдам беради. Бундан ташқари, уларнинг ўзлари баъзи витаминларни ишлаб чиқариш қобилиятига эга. (Масалан, В ва К гуруҳи витаминлари, фолий, никотин кислоталарини айтиш мумкин). Шунингдек, кальций, магний, цинк, темир ва бошқа микроэлементларнинг сўрилишини таъминлаб, тегишли ерга йўналтиришда иштирок этадилар. Фойдали микрофлоралар гистаминлар-

нинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Натижада инсон организмдаги аллергия реакцияларнинг олди олинади. Шу асосда одамнинг имун тизими мустаҳкамланади. Маълумки, имун тизими мустаҳкам организм юқумли ва ОРВИ касалликларига камроқ чалинади. Бундан ташқари, холестериннинг сўрилиши тўғри йўлга туширилса, атеросклероз чекинади. Киши кўзига кўринмас бактериялар ошқозон маторикасини бевосита яхшилашга хизмат қилади. Дисбактериоз болаларда рахит, авитаминоз, аллергия билан бирга кечиши мумкин. Катталарда яна имун танқислиги ёки анемия билан баробар намоён бўлиши кузатилган. Агар дисбактериозга гумон қилинса тегишли лаборатор таҳлиллар қилиш ва комплекс терапияга зарурий ўзгаришлар киритиш керак.

Одатда дисбактериозни даволаш муаммо туғдирмайди. Лекин вақт ўтиб, фойдали микрофлора ўрнини протей, клібсиела ёки кўзқоринлар эгаллаб олган бўлса-чи? Ичакларда кучли оғриқ, овқатдан аллергия кабилар кузатилади. Бундай ҳолда беморга тегишли антибиотиклар, бактериофаглар, бифидумбактерин, бифидум-форте (бифидобактериялар билан), лактобактерин кабилар тайинланади. Албатта функционал таомлар — ачитиб тайёрланган сут маҳсулотлари, имкон бўлса, таркибида тирик бактериялари бўлган кефир ёки қатиқ бериш зарур. Бундай тирик микрофлоралар ичакда шунчалар самарали ишлайдиларки, вақти келиб даволашда, шунингдек, касаллик профилактикасида асосий препарат бўлиб қолади.

Дисбактериозни келтириб чиқарувчи омиллар:

- гигиена қоидаларига амал қилмаслик;
- узоқ муддат ва пала-партиш қабул қилинган антибиотиклар;
- ўтқир юқумли ичак касалликлари;
- нотўғри овқатланиш;
- сурункали ошқозон-ичак касалликлари;
- спиртли ичимликларга ружу қўйиш;
- оғир имунтанқислик (лейкоз, ОИТС, саратон касалликларини даволашда кимё ва нур терапияси қўлланилганда).

Дисбактериознинг симптом (белги)лари:

- қориндаги ноҳушлик, оғриқ;
- ичининг дам бўлиши (метеоризм);
- ичининг бузилиши (кетиши, қотиши ёки бу ҳолатларнинг тез-тез алмашиб туриши).

Эҳтиёт чоралари: ҳар бир одам кўчадан келиб ва овқатдан олдин қўлини албатта совун билан ювиши керак. Касалликнинг олдини олиш учун ҳар бир инсон ўзининг таомномасига эътибор қаратиши зарур. Овқатланишда меъёр даражасидаги таомларни истеъмол қилишга интилиш. Кексалар ва болаларга ўта пишиб кетган ёки эзилган ҳўл меваларни бермаслик керак. Ёз фаслида очиқ ҳавзаларда чўмилган болаларга илоҳи бўлса, ҳўл мева бермаган маъқул. Чунки улар сузиш, ўйин билан овора бўлиб, оғизларига сув кириб қолганини сезмайдилар. Тўғри, бассейнлардаги сув тегишли тарзда зарарсизлантирилади. Лекин оқар сувни бундай зарарсизлантириб бўлмайди.

Ковун-тарвузлар уйга олиб келинганда биринчи бўлиб болаларга бермасликни тавсия қилар эдик. Уни аввало катталар тановул қилганларидан бирор соат ўтибгина болаларга берган маъқул. Биринчи маротаба бирон мевани тотиб кўраётган болага эса қандай мева бўлишидан қатъи назар, жуда кичик бўлакча бериб, уни кузатиш керак. Уйда тайёрланган табиий мева шарбатини эса ярим чой қошиқдан бериш жоиз. Акс ҳолда бола илгари истеъмол қилмаган мевалар аллергия бериши ёки ич бузилишига олиб келиши мумкин.

Айтиш муҳимки, хом қаймоқни истеъмол қилмаслик, пиширилмаган сутни ичмаслик зарур. Акс ҳолда, айниқса, ёз ойларида ичакларда зарарли бактериялар кўпайгани сабабли ич бузилишидек кўнгилсиз ҳолатларга дуч келиниши мумкин. Ёзда пиширилган эҳтиёт бўлиб ейиш керак. Торт, кремли печенье-ларнинг сифатига қафолат бўлсагина сотиб олиш керак. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг сақлаш муддати ва сақланиш шароитига эътибор бериб харид қилиш лозим.

Тавсиялар: энг аввало шифокор кўриги зарур. Унгача беморга имкон қадар кўп суюқлик, айниқса чой бериш керак. Катта одам кунига 2-3 литр сув ичиши лозим. Агар у ёш бола бўлса, суюқликни беморга мумкин бўлган суюқликлар тури билан алмаштириб туриш керак. Бола кўпроқ суюқлик ичиши учун ўйин тарихида ёки у суйган идишчаларда ёки унинг учун янги бўлган идишларда берган маъқул. Беморнинг пешоби

Дарҳақиқат, фарзандларимиз, қолаверса, ўзимизнинг соғлигимизни асраш, узоқ умр кўришнинг асосий қафолати-дир.

Мунира ЗУПАРОВА,
Чилонзор тиббиёт коллежи катта ўқитувчиси.

Актуальная тема

ПРОФИЛАКТИКА ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА «А»

В республике Узбекистан заболеваемость ВГА остается актуальной. Значительная активизация эпидемического процесса отмечается в осенне-зимний и зимне-весенний периоды. Резкий подъем наблюдается в осенние месяцы, когда накапливается большое количество источников инфекции, которые выделяют во внешнюю среду возбудители и загрязняют ее.

Накануне сезонного подъема ВГА, когда после летних каникул и отдыха в лагерях и в других местах отдыха, дети возвращаются в школы и ДДУ, т.е. в коллективы, которые являются объектами риска. Возможен занос инфекции в указанные коллективы, дальнейшее ее распространение. И наша задача – предупредить эпидосложнения.

Наша служба ежегодно после летних каникул направляет рекомендации по подготовке к новому учебному году, по предупреждению заноса инфекции в коллективы и ее распространение в текущем году. Для реализации этих задач ежегодно мы собираем родителей и информируем их о важности проведения прививок детям против ВГА в межэпидемический сезон (июнь-июль-август). Эта прививка защищает организм от инфекции и создает иммунитет на 20 лет. Поэтому важно прививать детей с 2-х до 14 лет, это самый уязвимый возраст.

Многолетние исследования показывают, что основную заболеваемость составляет этот возрастной контингент. И особенный рост инфекции наблюдается через 3-4 недели после ка-

никул. Школьники – это такая прослойка, в которой происходит активный обмен инфекциями, их перемешивание и дальнейшее распространение в семью, на работу и в другие коллективы.

Самые главные мероприятия в профилактике инфекций:

* Это раннее выявление больного, для чего организуются и проводятся утренние фильтры в учебно-воспитательных учреждениях. Кроме того должна быть настороженность у педагогов в течение всего дня при общении с учащимися. Инициаторами всех мероприятий в профилактике инфекционных заболеваний являются медработники, именно они должны провести инструктаж педагогов в отношении первых признаков заболевания, принимать участие в проведении родительских собраний в классах, насторожить родителей в отношении гепатитов. Ознакомить их с основными правилами гигиены ребенка, а также с ответственностью за отправку больного ребенка в школу и ДДУ.

* Немаловажным является соблюдение личной гигиены детей в школах. Если мы не прививаем детям навык мыть руки, и особенно после посещения туалета, не пить из одной бутылки,



не брать в рот ручки, карандаши и т.д., то мы не справимся с инфекциями.

* Важным моментом является соблюдение санитарно-гигиенических норм в местах питания детей (столовые, буфеты). Прежде всего должны быть условия для мытья рук. Посуда после использования должна мыться и дезинфицироваться. Готовая продукция должна так выставляться, чтобы учащиеся не соприкасались с ней. Буфетную продукцию нужно продавать только с использованием шипцов, нельзя допустить соприкосновения с грязными руками.

* Немаловажную роль играет санитарное состояние сантехоборудования. Санузлы и умывальники должны функционировать согласно их проектному размещению и обязательна их правильная эксплуатация. Уборку их надо проводить в течение всего учебного дня с обязательным использованием дезинфицирующих средств.

* Важно иметь необходимый запас дез. средств, так как на вирусы хлорсодержащие средства действуют губительно. Необходимо проводить дезобработку парт и всех предметов мебели.

* Во всех учреждениях должны быть предусмотрены изоляторы

* В ДДУ группы при прогулках должны быть изолированными.

* Должны быть задействованы прачечные в ДДУ, запрещена стирка садовского белья на дому для того, чтобы предупредить распространение инфекции.

Но самая главная профилактика – это специфическая профилактика. Об этом должно знать наше население. Сейчас в городе Ташкенте работают прививочные пункты почти в каждом районе. Вакцины против гепатита достаточно, и наша служба государственного санитарного эпидемиологического надзора Яккасарайского района призывает население именно сейчас использовать время межэпидемического спокойствия вирусного гепатита «А» и прививать детей с 2-х до 14 лет вакциной против ВГА, что позволит сохранить здоровье нашим детям и без эпидемиологических осложнений пережить осень и зиму, что послужит стабилизацией для нашего региона.

И. МАХМУДОВА,
зав. эпид. отд. ЦГСЭН
Яккасарайского района.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

1-илова

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни
сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхатиЎз аризасига кўра амал қилиши вақтинча тўхтатилган
юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани, Қора-Қамиш 2/4-даҳаси, 7-А уй	"AI-AXROR SHIFO" МЧЖ	ПЮ-0115 24.05.2011 й. берилган
2	Тошкент шаҳри	М.Улугбек тумани, Донская кўчаси, 59-уй	"KOMOL-FRANT" МЧЖ	3865-тиб. 11.08.2004 й. берилган
3	Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, Жангтоҳ мавзеси, 12-26 да	"LOR-SERVIS" МЧЖ	Ю-0131 28.07.2009 й. берилган
4	Андижон вилояти	Хўжабод тумани, Олтин водий ҚФЙ, Гулистон кўчасида	"ZAYLOBIDDIN UMIRZAQOV" хусусий тиббиёт корхонаси	Ю-0128 28.07.2009 й. берилган
5	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 2-уй, 42-хонадон	"MATLABXON PLUS" МЧЖ	Ю-0983 20.06.2011 й. берилган
6	Сурхондарё вилояти	Жарқўрғон тумани, Жарқўрғон шаҳри, Шифокор кўчаси, 1-уй	"Жарроҳ-Медик" номидagi хусусий клиникаси	ПЮ-4304 24.08.2009 й. берилган
7	Самарқанд вилояти	Иштихон шаҳри, Фуркат кўчаси, 10-уй	"SHIRINBOY XASANOV" хусусий корхонаси	Ю-1064 30.09.2011 й. берилган
8	Сурхондарё вилояти	Узун тумани, Гулистон СФУ, "Янги куч" маҳалласи	"ЯСМИНА-ШИФО" хусусий корхонаси	Ю-0150 28.07.2009 й. берилган

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши
тугатишга юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, Корхона-ота кўчаси, 13-уй, 3-хонадон	"DOKTOR SHAVKAT-STOM" МЧЖ	1869-00 23.04.2013 й. берилган	Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 9-июндаги 10-1404/8307-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди
2	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 76-уй, 51-хонадон	"Duryod fayz" хусусий фирмаси	1338-00 30.05.2012 й. берилган	Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 18 июндаги 11-1432/6146-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди
3	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 166-уй	"NOTAMTOY-YO" хусусий фирмаси	Ю-0342 05.12.2009 й. берилган	Наманган вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 30 июндаги 16-1403/6929-сонли ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилди

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши
вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Қашқадарё вилояти	Ғузор тумани, Э.Қурбонов МФЙ, Ўзбекистон кўчаси 19-уй, 5-хонадон	"ORZIGUL SHIFO MALXAM" фирмаси	Ю-0737 29.09.2010 й. берилган	Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 12 июндаги 18-1403/15032-сонли ҳал қилув қарорига асосан 1 ойга вақтинча тўхтатилди
2	Наманган вилояти	Поптумани, ПопҚФЙ, С.Раҳимов кўчаси, 15-уй	"ADRENALIN MEDIKAL SERVIS" хусусий корхонаси	0547-01 29.06.2012 й. берилган	Наманган вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 20 июндаги 16-1405/6632-сонли ҳал қилув қарорига асосан 6 ойга вақтинча тўхтатилди
3	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, 15-мавзе, 55-уй, 29-хонадон	"STOMA DID" МЧЖ	Ю-0711 29.09.2010 й. берилган	Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 2 июлдаги 10-1410/10973-сонли ҳал қилув қарорига асосан 3 ойга вақтинча тўхтатилди

Обуна — 2014

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда. Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.



Хурматли муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган худудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, тахририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
(8371) 233-13-22, 233-57-73.

Летом солнце и вода –
наши лучшие друзья.



Крепкие зубы

Кариес – при кариесе желательно заменить зубной порошок или зубную пасту на сухое молоко.

При чистке зубов порошком сухого молока исчезают кровотечения десен и запах изо рта, резко замедляется образование зубного камня.

Стоматит – при стоматите полоскать рот и горло настоем липового цвета, залить 1 стаканом холодной воды 1 ст.л. липового цвета, настоять 5 ч., процедить и добавить 5 г очищенной питьевой соды.

При язвенном стоматите полоскать и орошать рот 5-6 раз в сутки настоем чайного гриба. Эффект будет наблюдаться уже через 2 дня лечения, а через 3-5 дней наступает полное излечение даже при тяжелых формах заболевания.

Если зубы темнеют, смазывать их медом, а затем растительным маслом.

Для сохранения зубов в отличном состоянии полезно регулярно есть мамалыгу.

Желтизна с зубов хорошо удаляется, если, чистя зубы, положить на щетку вместе с пастой или порошком немного пищевой соды и 1-2 капли лимонного сока.

ПАРАДОНТОЗ

Для избавления от парадонтоза втирать в десны мед, смешанный с солью: на 20 г меда 5-10 г поваренной соли (лучше, если соль жженая), тщательно размешать до растворения. Комочек из смеси соли с медом положить в тряпочку и при необходимости натирать им зубы. При парадонтозе и кариесе полоскать рот водным раствором спир-

тового (10-15%) экстракта прополиса: 20 капель на 1 стакан воды. Соком свежего растения тысячелистника натирают десны для их укрепления.

Для укрепления десен натирать их каждый день долькой чеснока. Курс лечения – 2 недели.

При необходимости через 5 дней лечение можно повторить.

При кровоточивости десен полезно полоскать рот чуть теплым отваром коры дуба и липового цвета. Смешать 2 части порошка коры дуба и 1 часть липового цвета, заварить 1 стаканом кипятка 1 ч. л. смеси, греть на огне 3 мин. и процедить после остывания. Также укрепляет десны квашеная капуста.

**По материалам
Интернета подготовила
Малохат НАЗАРОВА.**

Объявления

Республиканский центр государственного санитарно- эпидемиологического надзора Министерства здравоохранения РУз

Группа по реализации грантового проекта Глобального фонда для борьбы со СПИДом, туберкулезом и малярией №UZB-809-G04-M «Закрепление достигнутых результатов и поддержка мероприятий по элиминации малярии в Узбекистане»

Объявляет конкурс

На поставку диагностикумов для проведения лабораторных исследований крови на малярию (P.vivax, P. falciparum) методом полимеразно-цепной реакции (ПЦР) – 500 человек, методом иммуно-ферментного анализа (ИФА) – 4000 человек.

В конкурсе могут принять участие как иностранные фирмы и организации, так и отечественные (в том числе предприятия малого и среднего бизнеса), являющиеся производителями и/или поставщиками закупаемой продукции, имеющие опыт по поставке соответствующих объемов продукции, аналогичных предмету конкурса.

Условие оплаты: 1) предоплата 20% после подписания контракта, остальные 80% после поставки груза на склад покупателя; 2) открытие аккредитива и поставка на условиях CIP-Ташкент.

Предложения должны быть представлены не позднее 18-00 ташкентского времени – 12 августа 2014 г. на электронные адреса: khabib_magzumov@gfmalaria.uz; rano_sh@gfmalaria.uz.

или почтовым курьером по адресу: г.Ташкент, ул. Бунёдкор, 46, с пометкой «Для группы по реализации грантового проекта Глобального фонда, компонент малярия». Предложения, поступившие после указанного срока, рассмотрению не подлежат.

Телефон/факс: (+99871)120-32-93/94.

Республиканский центр государственного санитарно- эпидемиологического надзора Министерства здравоохранения РУз

Группа по реализации грантового проекта Глобального фонда для борьбы со СПИДом, туберкулезом и малярией №UZB-809-G04-M «Закрепление достигнутых результатов и поддержка мероприятий по элиминации малярии в Узбекистане»

Объявляет конкурс

На предоставление медицинских услуг по лабораторному обследованию населения на малярию методами полимеразно-цепной реакции (500 человек) и ELISA (4000 человек).

Техническое задание можно получить, отправив заявку на участие в конкурсе на электронные адреса: khabib_magzumov@gfmalaria.uz; rano_sh@gfmalaria.uz. или почтовым курьером по адресу: г.Ташкент, ул. Бунёдкор, 46, с пометкой «Для группы по реализации грантового проекта Глобального фонда, компонент малярия».

Коммерческое предложение должно быть представлено не позднее 18-00 ташкентского времени – 12 августа 2014 г. Предложение, поступившее после указанного срока, рассмотрению не подлежит.

Телефон/факс: (+99871)120-32-93/94.

ЭЪЛОН

Самарқанд Давлат тиббиёт институтини 1984 йилда битирганларнинг 30 йиллигига бағишланган учрашув 2014 йил 13 сентябрь куни соат 8.00 да институт бош корпусида бўлиб ўтади.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй.

Мурожаат учун телефонлар:

**Шерали Норқўзиев (+99893) 297-10-07,
Турсункул Эрназаров (+99893) 351-00-74,
Фазлиддин Гафаров (+99890) 602-69-01,
Худойр Шомирзаев (+99891) 534-12-94.**

Хурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, сизда тахририят билан яқин ҳамкорлик қилиш исhti бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Ён дафтарингизга ҲАЁТНИЙ БИТИКЛАР

Соғлиқни табиатдан, шифони шифокордан, узоқ умрни эса табиат кароматидан ва шифокор маслаҳатларидан изланг.

Шифокордан нуқсон излаган беморни даволаш мушкул иш.

Саломатликни истовчилар кўп, бироқ саломатлик қоидаларига риоя қилувчилар кам.

Даволанишга даъвогар бўлгунча, даволанишнинг олдини олишга даъвогарлик қилинг.

Шифокорнинг бир оғиз ширин сўзи хастага шифо, кўпол сўзи эса унга нола, ўзига жазо.

Озодаликка шикоят қилганлар шубҳасиз, соғлиқларига ҳам шикоят қиладилар.

**О. МАДАМИНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди,
Хоразм вилояти.**

ОСТЕОХОНДРОЗ

Людам, страдающим остеохондрозом, рекомендуется плавание, но температура воды должна быть не ниже 23°. Иначе может усилиться напряжение мышц, что спровоцирует боль. Полезны также упражнения в воде, способствующие вытяжению позвоночника, улучшающие осанку.

* Освойте скольжение: вытянув руки вперед, вдохните и оттолкнитесь ногами от какой-либо опоры (мостик, камень), скользая, выдохните в воду.

* Зацепитесь ногами за опору, выполняйте гребки руками, как бы отплывая.

* При сколиозах рекомендуется плавать теми способами, при которых движения симметричны, лучше всего подходит брасс (дельфин и баттерфляй исключаются).

* При сутулости полезнее плавать на спине кролем.

Занятия в воде проводите 2-3 раза в неделю по 15-20 минут. Каждое упражнение выполняйте 3-6 раз. Плаванью отводите 5-10 минут.

(По материалам Интернета).

**Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

**Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЙРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 5601 нусха.
Буюртма Г-759.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

